



**DIFFERENCES AND SIMILARITIES BETWEEN THE
CONCEPTS OF METAPHOR AND ANALOGY AND THEIR USE IN
LANGUAGES**

Nurmuratova Khilola Yashinova

**Department of theory of aspects of the English language №1 Teacher
of the Faculty of English language 1**

Annotation

This article provides an overview of the use of the word in different meanings, the differentiation of analogy and metaphor, and the basic meanings of words that represent certain concepts, and the subtle meanings that represent other facets of a word, portable meanings, and the use of words in a portable sense.

Keywords: *analogy, metaphor, florionym, equivalent, metonymy, dokaslash, semantics, speech, til birliklari, phraseology*

Қиёсланиш деганда турли хил нарсалар назарда тутилади: икки объектнинг ўхшашлик ва фарқларини кўриш учун ўрганилиши, яъни қиёслаш - бу объектларнинг ўхшашлигига ва бирор бир предметнинг бошқа предметнинг ифодаланиш характеристикасига эътибор беришлиқдир. Бу фикрни Дж.Жакоф ва М.Жонсонлар илгари сурган.

Қиёслаш борасида турли хил фикрлар мавжуддир, масалан, Уэтлиннинг ёзишича, қиёслашни метафорадан фақатгина формаси билан фарқланувчи ходиса каби кўриб чиқиш мумкин. Масалан, қиёсланишда ўхшашликлар таъкидлаб ўтилади, метафора ходисасида эса тахмин қилинади. Ж.Б. Блек айтишича, метафора - бу қиёслашдир, яъни бу қиёслашда сўз орқали унинг ёрдами ифодаланган. [1]

Масалан, «Jane is a rose» метафорик маъно кўчишига биноан бу





«Jane is beautiful» маъносини беради, қиёсланишга биноан тахминан айнан

ўша маънони яъни «Jane is like a rose» (in being beautiful). Жейн ўз гўзаллиги билан атиргулга ўхшатишда ва бу икки мисолда ҳам аниқ эквивалентга кўра, метафорик таъкидлаш ишлатилаяпти. Лекин қиёсланиш нуқтаи назаридан бунда тўла парафраза талаб қилинади, чунки таъкидланиш ҳам Жейн, ҳам атиргул ҳақида кетаяпти. Қиёслаш яна предметларни, тушунчаларни фақатгина уларни алоҳида равишда, яъни ҳолатда таққослайди. Шундай қилиб, метафорада фақатгина битта аниқловчи маънони кўрсатиш мумкин. Масалан, «He is a real nut» - «у ҳақиқий аҳмоқ» яъни ақлдан озган демакдир. Флорионимни аниқловчи сифатнинг қиёсланишида таққослаш амалга ошириладиган асос, яъни белгининг аниқ маъноси муҳим аҳамиятга эга бўлади. Масалан, «You are as fair as a lily» - «Сен нилуфар гулидек беғуборсан». Бу ерда кўриниб турганидек, икки ҳил семантик компонент мавжуд.[2]

Метонимизацияда масалан, қисм ва бутуннинг ўзаро муносабати кўрсатилади. «...She was flower-faced...».

Шундай қилиб метафора учун ишимизда ўхшашликни умумий таассуротни яратувчи: формага, ёшга, характерли белгисига қараб, кўчма маъноларни билдирувчи ходисалар намоён бўлган метонимия воситасига, бутун ва қисм орасидаги муносабатнинг маъно кўчиши, сабаб, натижа ва вазиятга биноан белгиланиши кабилар кўрсатилиб ўтилган. Қиёслаш, бир томондан унинг образлилик асоси қанчалик ишонарли, аниқ бўлса, бошқа томондан қиёслаш қанчалик аниқ бўлса, унинг таъсирчанлик кучи ҳам катта бўлса, тасодифий қиёслаш ҳақиқатдан асоснинг мавжудлигига нисбатан таъсирлироқ ва аниқроқ бўлади.





Тил ва нутқ номинацияларининг орасида, умуман флорионимларда, ҳам семантик фарқ мавжуд бўлади, яъни бу тил метафораси оддий белгисида намоён бўлади. Масалан, «кисель»: а) ёпишқоқ масса; б) қатъиятсиз, кучсиз одам; «nut»: а) ўсимлик, мева; б) қалта фаҳм ва аҳмоқ одам ва ҳоказо.

Бадиий метафорада бўлса, бир-биридан ҳар томонлама фарқ қилувчи нарсалар маъно жиҳатдан яқинлашади, ва бу ҳаракат метафорага тасвирийлик характерини эмас, яъни бу ерда метафора коммуникативлик функциясини бажармайди, балки унинг бадиий-эстетик функциясини белгилайди. Турли тилларидаги таҳлил қилинаётган материалларнинг кўчма маъно (метафора, метонимия ва таққослаш) номинацияларининг ўзаро боғлиқлигини жадвал кўринишида берса бўлади.

Тиллар	Кучма маъно номинациялари			
	Метафора	метонимия	таққослаш	Жами
Инглиз тили	2000	280	720	3000
Ўзбек тили	1000	180	820	2000
Жами	3000	460	1540	5000

Юқорида келтирилган жадвалга кўра, флорионимларнинг семантик структура ва метафорик бирликлар нуқтаи назаридан фарқи унчалик катта эмас. Бу жадвалга биноан флорионимларнинг у ёки бу кўчма маъно номинациясида учраши ёки ишлатилиш даражасини аниқлаш мумкин. Маълумки тилда умумий, универсал маънолар мавжуддир. Бу умумий маънолар турли хил тилларда ўхшаш тарзда берилади, лекин шу билан бирга умумий маъноларни ифодалаб, миллий-маданий хусусият билан изоморфизм даражаси асосида боғлиқ бўлган функцияларга бўлинади.

Семантика – бу тилнинг алоҳида тарздаги даражаси деб қабул





қилинганлиги аёндыр.

Структурал тилшуносликнинг ҳозирги замон назарияси ва амалиёти тил даражаларининг изоморфизм принциpidан келиб чиқади.

Профессор Ж. Бўронов такидлашларича, тил белгиларининг универсализацияси муаммоси ҳозирги замон қиёсий типологиясининг муҳим масалаларидан биридир ва яқин келажакда ҳам бу муаммонинг бутунлай ечимини топиши даргумондир.[3]

Бу муаммо ареал ва генетик типологияга ҳам таалуқлидир, лекин биринчиси фақатгина аниқ бир жуғрофий ареал билан чегараланиб қолиб, иккинчиси эса генетик томондан қариндош тиллар билан шуғулланади.

Масалан, «salabash» ва «қовоқ» флорионимларининг семантик структурасини таҳлил қилар эканмиз, бир хил ўхшаш дифференциал семалар мавжудлигини аниқлашимиз мумкин. Инглиз тилидаги «salabash» қуйидаги семаларга эга, яъни «калта фаҳм», «қовоқ калла»; ўзбек тилида ҳам «қовоқ» худди инглиз тилидагидек семаларга эга бўлиб, бу ҳодиса нафақат шу сўзларда, балки бошқа сўзларда ҳам кузатилиши мумкин.

Яна шуни айтиш мумкинки, юқорида келтирилгандек, флорионимларнинг семантик структурасидаги семаларнинг ўхшашлигини нафақат қариндош тилларда, балки кўриниб турганидек қариндош бўлмаган тилларда ҳам кузатилади. Лекин инсон характеристикасини ифодаловчи флорионимлар ва дифференциал семалар ҳар доим ҳам мос келавермайди. Турли тиллардаги инсонни характерловчи флорионимларнинг мос келишлиги ёки келмаслигини, биз жадвал кўринишида (II бобга қаранг) кўрсатишга ҳаракат қилдик, бунда флорионимларнинг микрогуруҳларига маълум гуруҳлар ичида бирлашиб





турувчи флорионимлардан фарқлаб турувчи специфик семалар белгилангандир.

Табиийки, амалий ишлатиш учун бундай жадвалнинг ишланиб чиқилиши мураккаб жараёндир, лекин бунга қарамай, биз ҳар бир тилдаги флорионимларни фарқ қилиши мумкинлигини, бу фарқ эса уларда дунёни билишнинг миллий специфик кўринишини англантишини кўрсатишга ҳаракат қилдик. Бу шуни билдирадики, инсон табиати ёки унинг иш-фаолиятини таърифлаш учун турли халқлар, турли флорионимларнинг номларини ишлатиши мумкин.

Масалан, Буюк Британия ва Америка худудида инсонни, аниқроғи аёл кишини таърифлаш учун гулнинг турли турлари ва уларнинг номлари, яъни «rose», «lily», «daisy», «violet» ва ҳоказоларнинг ишлатилиши айнан шу ареалга хосдир ва бу эса ўша тилнинг луғат таркибининг бойлигидан далолат беради.

Ёки масалан, инглиз тилидаги «bean», «nut», «potato» ва ҳоказолар «аҳмоқ», «каллаварам» каби дифференциал семаларга эгадир, лекин ўзбек тилидаги шу каби флорионимлар бундай семаларга эга эмас, ва улар периферий ҳолатини эгаллайди, юқорида келтирилган семаларни эса ўзбек тилида бошқа флорионимлар ифодалайди.

Юқоридаги мисоллардан кўришиб турганидек, изоморфизм ва миллий-маданий хусусиятларни очиб бериш учун қиёсий таҳлил талаб қилинади. Шунга ўхшаш миллий-маданий хусусиятларни очиб кўрсатиш учун икки тилнинг нафақат машҳур муаллифларининг изоҳли луғатларидан, балки уларнинг диалектда ишлатиладиган сўзларига асосланган луғатларидан ҳам фойдаланишга ҳаракат қилдик.

АДАБИЁТЛАР





1. [1] Jakoff. G, Johnson. M. Metaphors we live by Chicago. University by Chicago press. 1980.
2. [2] Black J.B., Turner N.J., Bower J.H. Point of view in negative comprehension, memory and production-journal of verbal learning and verbal "behaviour". 1879, p. 187 to 198.
3. [3] Буранов Дж. Сравнительная типология английского и тюркских языков. Изд. Высшая школа. Москва, 1983г. стр.38.
4. [4].Ибрагимова Ш. Т. О преподавании иностранных языков взрослым //Молодой ученый. – 2017. – №. 1. – С. 454-456.
5. [5].Ibragimova S. Interactive education is a guarantee of education quality //ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal. – 2021. – Т. 11. – №. 6. – С. 52-56.
6. [6].Shahnoza I., Dilafruz S. Communication And Information Technology Is A Way Of Changing Education //2019 International Conference on Information Science and Communications Technologies (ICISCT). – IEEE, 2019. – С. 1-4.
7. [7].Tashpolatovna S. M., Turgunovna I. S. It Related Vocabulary Development and Some Obstacles in Teaching Foreign Language in Technical Universities //Texas Journal of Philology, Culture and History. – 2021. – Т. 1. – С. 1-8.

